

Фаргона шахри Кувасой кучаси, 111 уй. “Хамкорбанк” АТБ Истикбол филиали
х/р 20 208 000 905 011 496 001 МФО 00965 ИНН 207 166 123 ОКОНХ 84400
Тел: (+99891) 657-99-63, (+99893) 270-13-50
e-mail: mangroupaudit@gmail.com

Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

“Фаргонаёгмой” акциядорлик жамияти раҳбариятига (ИНН 200146438)

Мен (биз), Фаргона шахри Кувасой кучаси, 111 уйда жойлашган, электрон почта манзили mangroupaudit@gmail.com, Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2015 йил 28 августда берилган №00738-сонли барча хужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви утказиш буйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга, Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига 2012 йил 18 декабря 399-сон билан ғурӯхатга олинган, СТИР 207166123, банк хисоб раками 20208000905011496001 “Хамкорбанк” АТБ Истикбол филиалида очилган, МФО 00965 масъулияти чекланган жамият шаклидаги “MAN GROUP AUDIT” аудиторлик ташкилоти аудитори Салиев Илхомжон Адхамович (Аудитор малака сертификати №04420 19.09.2012 йилда берилган) томонидан хужалик юритувчи субъект “Фаргонаёгмой” акциядорлик жамиятининг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тугрисидаги хисоботидан иборат 2017 йил 1 январидан 31 декабрига қадар холатидаги молиявий хисоботнинг ишончлилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан утказдик.

Хужалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хакконийлиги, хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз “Фаргонаёгмой” акциядорлик жамиятининг илова килинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан утказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари буйича бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофикалиги ва хакконийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузуб курсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга булишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва утказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини утказишни уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисбот ишончлилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хужалик юритувчи субъект “Фаргонаёгмой” акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисботи барча муҳимлилик жиҳатлари буйича унинг молиявий холатини ва молиявий-хужалик фаолияти натижаларини хаққоний акс эттиради ва бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувоғик келади.

МЧЖ “MAN GROUP AUDIT”
аудиторлик ташкилоти директори:



Салиев И.А.
Салиев И.А.

16 февраль 2018 йил



МЧЖ “MAN GROUP AUDIT”

**“ФАРГОНАЁГМОЙ” АЖ нинг
2017 йил молиявий-хужалик
фаолиятини аудиторлик
текширувидан утказиш юзасидан**

АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ

2018 йил

(МАХФИЙ)

Узбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги Конунинг 18 моддасига асосан Аудиторлик хисоботидаги ахборот **махфий** хисобланади ва ошкор килиниши мумкин эмас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошкор килганларни учун конун хужжатларига мувофик жавобгарликка тортадилар.

**«Фаргона ёг-мой» акциядорлик жамияти бошкаруви раиси
А. М. Мирзаахмедовга**

**«Фаргона ёг-мой» акциядорлик жамиятининг
2017 йил молиявий-хужалик фаолиятини аудиторлик
текширувидан утказиши юзасидан**

АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ

Аудиторлик ташкилот номи ва юридик манзили	МЧЖ «MAN GROUP AUDIT» аудиторлик ташкилоти. Фаргона ш. Кувасой кучаси, 111 уй тел. (+99891) 657-99-63, (+99893) 270-13-50. E-mail: mangroupaudit@gmail.com
Давлат руйхатидан утказилган гувохнома	Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан. Гувохнома реестри № 399 18.12.2012 йил.
Лицензия берган орган номи ва тартиб раками	Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан. Лицензия АФ № 00738 28.08.2016 йил.
Аудиторлик текширув учун тузилган шартнома раками ва тузилган санаси	Шартнома № 09/08 09.08.2017 йил
Аудит текшируванини бошланиши ва тугалланиши	Бошланиши - 25.01.2018 йил Тугалланиши - 16.02.2018 йил
Аудиторлик ташкилоти раҳбарининг фамилияси, исми ва малака сертификати раками	Аудитор – Салиев Илхомжон Адхамович Аудитор малака сертификати № 04420 19.09.2017 йил.
Аудит текшируви утказган аудиторнинг фамилияси, исми ва малака сертификати раками	Аудитор – Салиев Илхомжон Адхамович Аудитор малака сертификати № 04420 19.09.2017 йил.

Аудиторлик текшируви Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. «Бухгалтерия хисоби тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Конуни, «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги Узбекистон Республикаси Конуни. Бухгалтерия хисобининг миллий стандартлари. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ва бонка аудиторлик фаолиятини тартибга солиш мөърий хукукий хужжатлар асосида утказилди.

Утказилган аудиторлик текшируви натижалари, Уз.Р. МВ 2001 йил 14 февралдаги 20-сон буйрги билан тасдикланган, Уз.Р. АВ 2001 йил 10 мартағи 1016-сон билан руйхатдан утган (АФМС № 70) «Аудиторлик хисоботи ва молиявий хисобот тугрисидаги аудиторлик хулосаси» стандарти талабларига асосида ушбу хисоботга киритилди.

Ушбу текширишга такдим килинган бухгалтерия бирламчи хужжатлари хакконийлиги ва тузилган молиявий хисоботлар тугрилигига жамият раҳбарияти жавобгардир. Аудиторлик ташкилот эса ушбу аудиторлик текшириш юзасидан берилган хулоса учун жавобгардир.

КИРИШ КИСМИ

I.1. Хужалик юритувчи субъект билан танишув

Уз.Р. МВ 2001 йил 31 майдаги 48-сонли буйруги билан тасдиқланган, УзР АВ томонидан 2001 йил 21 июня 1043-сон билан рўйхатга олинган (АФМС 31-сон) «Хужалик юритувчи субъект фаолияти билан танишув» стандартига асосан, «Фаргона ёг-мой» акциядорлик жамияти хакида бошлангич маълумотлар олиш максадида, таъсис хужжатлари, мулкчилик шакли, устав капитали, раҳбарияти, ташкилий тузилма билан танишиб чикилди.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тугрисида”ги Узбекистон Республикаси Конуни (янги таҳрири) талабларидан келиб чикиб, жамият қузатув кенгашининг 2017 йил 23 июня даги йигилиш карорига асосан жамиятнинг Низом фонди хар бир дона акцияси номинал киймати 4895 сумдан булган 3643308 дона эгаси ёзилган оддий хужжатсиз акция хамда 23904 дона эгаси ёзилган имтиёзли хужжатсиз 17 951 002 740 сумлик янги акциялар чикарилган ва акциялар куйидаги тартибда таксимланган:

Улуш эгаси	1 дона акциянинг номинал киймати	Акция сони, Дона	Улуш микдор и %	Жами улуш киймати. (минг сум)
Давлат улуши (Давлат Мулк Кумитаси)	4895	3 097 004	84.45	15 159 834 580
Мехнат жамоаси улуши (207 киши)	4895	214 388	2.45	1 049 429 260
Бошқа жисмоний шахслар (1029 киши)	4895	355 820	13.10	1 741 738 900
Жами:	4895	3 667 212	100%	17 951 002 740

Жамият реквизитлари:

«Фаргона ёг-мой» акциядорлик жамияти	X/р 20208000300229035001 МФО 00965 ИНН 200146438 ОАТБ «Хамкор Банк»
Манзили	Фаргона шаҳри, Меъмор кучаси 9.
Низом жамгармаси	17 951 002 740 сум Давлат улуши 84.45 % Мехнат жамоаси 2.45 % Бошқа акционерлар 13.10 %
Тармок тури	Ёг-мой саноати
ХХТУТ (ОКОНХ)	18121
Ташкилий-хукукий шакли	1150
Мулкчилик шакли	144
Почта манзили	1730401
Юридик шахс коди	00392744

Жамиятнинг низомида белгиланган асосий максадлари давлат иктисадий манфаатлари, ахолининг маший, ижтимоий-маданий ва бошка эҳтиёжларини кондириш ва акциядорлар хамда жамият меҳнат жамоасининг манфаатини кузлаб меҳнат килиш йули билан фойда олишдан иборат булиб, узини-узи маблаг билан таъминлаш йули билан жамоа ва жамият акциядорларининг моддий ва ижтимоий талабларини кондиришга каратилган.

Жамият уз Низомига асосан қўйидаги фаолият турлари билан шугулланади:

- Тозаланган усимлик ёги, атир совун, 60 хамда 70 фоизли хужалик совуни, техник ва озукавий саломас, 94 хамда 98 фоизли глицерин, дистилланган соапсток ёг кислотаси, пальмитин, суюлтирилган совун, хлопокс, косметин стеарин, гудрон, шелуха, кунжара ва бошка ёг-мой маҳсулотларини ишлаб чикариш;
- Уз фаолиятини нормал олиб бориш максадида бошка туманлар, вилоятлар хамда республика ташкарисидан, жумладан чет эллардан хом-ашё, асбоб-ускуна ва техник воситалар олиб келиш;
- Жамият, ташкилот, муассаса, хужаликлардан, кичик ва күшма жамиятлардан, фукаролардан зарур булган хом-ашё, жихозлар, ишлаб чикариш воситалари, транспорт, ускуна ва бошка хар хил турдаги зарур маҳсулотлар хамда воситаларни сотиб олиш;
- Жамият аъзоларининг сармояси, техниковий ва бошка ресурсларини жамлаш хисобига ишлаб чикариш кувватини ошириш;
- Ишлаб чикаришда фан ва техника ютукларини жорий этиш, хужалик юритишнинг усул ва шаклларини такомиллаштириш;
- Сотиб олинган ёки олинган ер майдонларидан ёрдамчи хужалик, фермерлик ва ишлаб чикариш цехларини хамда ваколатхоналарини ташкил этиш;
- Савдо ва тижорат фаолияти билан шугулланиш;
- Кимматли когозлар харид килиш ва улар билан ишлаш;
- Ташки иктисадий фаолият билан шугулланиш ва хоказо.

2013 йил 29 июндан хозирги кунгача жамият бошкарув раиси вазифасида барча банк ва бухгалтерия хужжатларига биринчи имзо қўйиш хукукига билан Мирзаахмедов Аҳмаджон Мирзаевич бажариб келмоқда.

2016 йил 16 августдан шу кунга кадар Хикматов Ойбек Абдурақибович барча банк ва бухгалтерия хужжатларига иккинчи имзо қўйиш хукуки билан бажариб келмоқда.

II. АСОСИЙ КИСМ

II.1. Хисоб сиёсати аудити

Хисоб сиёсати - бу жамиятнинг ички хужжати булиб, амалдаги конунчиллик, солик конунчиллиги, Уз. Р. МВ 1998 йил 26 июлдаги 17-17/86 буйруги билан тасдиқланган, Уз. Р. АВ томонидан 1998 йил 14 августда 474-сон билан руйхатга олинган Узбекистон Республикаси Бухгалтерия хисоби миллий стандарти (БХМС 1-сон) «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот», хамда бухгалтерия хисоби миллий стандартлари асосида ишлаб чикилади.

Ушбу Бухгалтерия хисоби миллий стандарти (БХМС) Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия хисоби тўғрисида"ги Конуни асосида ишлаб чикилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия хисобини меъёрий асосда бошкариш

тизимининг унсурни хисобланади. Ушбу стандарт бошка БХМСлар билан биргаликда кўлланилади.

БХМС хўжалик юритувчи субъектнинг турли хисобот даврларидағи молиявий хисоботлари, шунингдек турли хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хисоботлари киёсланишини таъминлаш максадида хўжалик юритувчи субъект молиявий хисоботини шакллантириш ва тузиш учун асосларни белгилаб беради. Бу максадга эришиш учун мазкур стандартда хўжалик юритувчи субъектларнинг хисоб сиёсати ва молиявий хисоботига асос бўладиган концепциялар хамда молиявий хисоботнинг мазмунига энг кам микдордаги талаблар кўзда тутилган.

Мазкур стандарт молиявий хисоботдан ташкари тақдим этилиши лозим бўлган ахборотларга талабларни баён килмайди. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хисоботга кўшимча ахборот сифатида молиявий шарҳларни тақдим этишлари мумкин.

Ушбу стандартда хисоб сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари бухгалтерия хисобини юритиш ва молиявий хисобот тузиш учун кабул киладиган усуllарнинг йигмаси тушунилади, молиявий хисобот шу усуllарга мувофик ва уларнинг коидалари ва асосларига мувофик равишда тузилади.

Бухгалтерия хисобини гурухларга ажратиш ва хўжалик фаолияти фактларига баҳо бериш, активлар кийматини тўлаш, хужжатлар айланмасини, мол-мулкни рўйхатга олишни, ташкил этиш усуllари, бухгалтерия хисобида хисоботларни кўлланиш усуllари, хисоб регистрлари тизими, ахборотларни ишлаб чикиш ва ўзга тегишли усуllар, услубиятлар бухгалтерия хисобини юритиш усуllарига киради.

Хисоб сиёсати хар бир жамиятнинг узига хос хусусиятларини хисобга олган холда, бухгалтерия хисобини юритиш, молиявий хисоботларни тузиш усуllари ва коидаларини уз ичига олади.

Мазкур стандартга асосан, жамият хисоб сиёсатига, унинг узаги булган, куйидаги асосий булимлар киритилиши максадга мувофик – актив ва пассивларнинг баҳолаш ва тан олиш тартиби, ишлаб чикириш харажатларини тан олиш тартиби, асосий восигатлар ва номоддий активлар амортизация хисоблаш усуllари, товар моддий захираларни баҳолаш усуllари, маҳсулот таннархини калькуляция килиш усуllари, келгуси давр харажатларини чиким килиш усул ва тартиби, соликка солиш максадида бухгалтерия хисоби ва хоказо.

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари хисоб сиёсати конунларга мос бўлиши учун, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш учун жавобгардир.

II.2. Бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизими

Бухгалтерия хисоби ва ички назоратни аудиторлик текширувининг максади, аудиторлик ташкилотининг хўжалик юритувчи субъектда аудиторлик текшируви жараёнида бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизими буйича амалларни аниклаш ва баҳолашдан иборатdir.

Бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизимини баҳолашда кулланиладиган асосий талаблар Уз.Р. МВ 2006 йил 29 декабрдаги 108-сонли буйруги билан тасдикланган. Уз.Р. АВ томонидан 2007 йил 12 апрелда 1673-сон билан руйхатга олинган (АФМС 12-сон) «Аудиторлик текширувлар жараёнида бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш» стандартида белгиланган.

Бухгалтерия хисоби тизими - хужалик юритувчи субъектнинг вазифалари ва ёзувларининг йигиндиси булиб, улар оркали молиявий хисоботда хужалик операциялари ва бошка вокеалар натижаларини идентификациялаш, туплаш, тахлил килиш, хисоблаш, таснифлаш, умумлаштириш ва акс эттириш максадида бухгалтерия хисобини юритиш усули сифатида хужалик операциялари натижаларини кайта ишлаш амалга оширилади.

Узбекистон Республикаси «Бухгалтерия хисоби тугрисида»ги Конуннинг 7-моддасида жамият раҳбари бухгалтерия хисоби ва хисботини ташкил этишни амалга ошириши, жамиятда ички хисоб ва хисбот тизими ишлаб чикилишини, хужалик операцияларини назорат килиш тартибини, бухгалтерия хисоби тулик ва аник юритилишини, хисоб-китоб хужжатларининг сакланишини, ташки фойдаланувчилар учун молия хисбот тайёрланишини, солик хисботлари ва бошка молиявий хужжатлар тайёрланишини, хисоб-китоблар уз вактида амалга оширилишини таъминлани шартлиги белгилаб куйилган.

Аудиторлик текшируви даврида жамият томонидан тузилган молиявий хисботлар, бухгалтерия хисоби бирламчи хужжатлари, бухгалтерия хисоби юритишида бухгалтерия принципларига амал килинган холда тузилганлиги ва бутлиги текширилди.

Жамиятда бухгалтерия хисобини юритилиши «Бухгалтерия хисоби тугрисида»ги конун доирасида, хамда бухгалтерия хисоби миллий стандартларига амал килган холда юритилган.

Бухгалтерия хисоби «1С-Бухгалтерия» компьютер дастурода юритилади. Хужжатлар расмийлаштирилиши хар ойда, бош китоб юритилган, хар чорақда солик ва бошка статистик хисоблар юритилиб, вактида хисботлар кундирилиб келинган.

Жамиятда барча аналитик ва синтетик учетлар бухгалтерия хисоби талаблари ва моддаларига тугри келади.

Аудиторлик текширувига тақдим этилган молиявий хисботлар, бухгалтерия хисоби бирламчи хужжатлари, умуман жамиятда кулланиладиган бухгалтерия тизими аудиторлик амаллари бажаришга, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятини хакконий акс эттиришга етарли даражада асос була олади.

Ички назорат тизими – хужалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан молиявий – хужалик фаолиятини назорат килиш ва самарали юритиш, активлар ва хисоб хужжатларининг сакланишини таъминлаш, хато ва фирибгарлик холатларини олдини олиш ва аниклаш, бухгалтерия ёзувларини аник ва туликлиги ва уз вактида ишончли молиявий маълумотларни тайёрлаш максадида кабул килинган тадбирлар, усуллар ва амаллар йигиндисидан иборат.

Аудит даврида ички назорат тизимини тулик, мукаммал урганишни имкони булмайди. Юзаки кузатишда́лар натижасида жамиятда ички назорат тизими тегишли назорат воситалари оркали коникарли даражада амалга оширилаётганлиги хакида ишонч хосил килса булади. Бунга жамиятда активларни бутлигини таъминлаш, хом-ашё ва материаллар, тайёр маҳсулотлар саклашда курилган чора тадбирлар асос булиши мумкин, хусусан:

- жамият худуди жамият куриклари ходимлари ва ички инслар куриклари булими томонидан курикланди;
- жамият худудида бегона шахслар харакати чекланган, ва рухсатномалар оркали амалга оширилади;

- пул маблагларини саклаш учун мулжалланган маҳсус хона мавжуд, темир шкаф билан жихозланган, товуш чиқариш мосламалари урнатилган;
- товар-моддий захиралар ва бошқа активларни саклаш учун омборлар ва маҳсус жойлардан имкон даражасида фойдаланилади;
- барча активлар жавобгар шахслар зиммасига шартномалар асосида юклатилган;
- хужжатлар айланмаси ва сакланиши чора тадбирлари курилган;
- «1С-Бухгалтерия» компьютер дастурининг дахлсизлиги таъминланган;
- бухгалтерия булимларга булинган ва бухгалтериянинг ҳар бир булими счетлар буйича алоҳида бухгалтерлар зиммасига юклатилган.

Хужалик юритувчи субъект билан танишув, ҳамда бухгалтерия хисоби ва ички назоратни тизимини урганиш натижалари асосида, аудит текшируви дастлабки боскичларида, ушбу аудиторлик текшируви режалаштирилди ва дастури тузилди.

Аудиторлик текширувани режаси ва дастури, Уз.Р. МВ томонидан 1999 йил 17 июля 54-сонли буйруги билан тасдикланаган, Уз.Р. АВ томонидан 1999 йил 10 ноября 837-сон билан руйхатга олинган (АФМС № 3) «Аудитни режалаштириш» стандартига мувофик ишлаб чикилди.

II.3. Асосий воситалар аудити

Асосий воситалар аудитининг максади, асосий воситалар булими буйича молиявий хисботнинг ишончлилиги ва ташкилотда асосий воситаларга нисбатан кулланиладиган операциялар хисоб методикасининг амал килаётган норматив хужжатлар билан мослиги хакида тушунча хосил килишдан иборатdir.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия хисобини меъёрий жихатдан тартибга солиша, 2003 йил 9 октябрда Уз.Р. МВнинг томонидан 114-сон билан тасдикланган ва 2004 йил 20 январда Уз.Р. АВ томонидан 1299-сон билан руйхатга олинган, Узбекистон Республикаси бухгалтерия хисобининг миллий стандарти (БХМС 5-сон) «Асосий воситалар» асосий норматив хужжатdir.

Мазкур стандартнинг максади мулк, хўжалик юритиш ёки тезкор бошкарув хуқуклари асосида хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган асосий воситалар хисоби услубиятини белгилаш хисобланади.

Асосий воситаларни хисобга олишида уларни актив сифатида тан олинган пайтини белгилаш, мазкур активларга нисбатан кўлланиладиган уларнинг баланс кийматини ва амортизацияни хисоблаш усулларини белгилаш, щунингдек асосий воситаларнинг баланс кийматидаги бошқа ўзгаришларни ва уларнинг чишиб кетиши хисобига молиявий натижаларни белгилаш ва хисобга олиш асосий коидалар хисобланади.

2017 йил давомида асосий воситалар харакати куйидагича: (минг сумда)

Курсаткичлар	Бино, иншоот ва узатувчи курилмалар	Машина ва жихозлар	Мебель ва офис жихоз-лар	Компьютер ва хисоблаш техникаси	Транспорт воситалар	Куп ийллик дарахт лар	Бошқа асосий фонdlар	Жами
Бошлангич киймати 01.01.2017 й.	29 076 453	8 477 556	73 561	124 886	793 744	1 586	543 363	39 091 149

Жамгарилган эскириш 01.01.2017 й.	6 180 013	4 836 799	70 760	93 178	773 222	264	304 785	12 259 022
Колдик киммати 01.01.2017 й.	22 896 440	3 640 757	2 801	31 708	20 522	1 322	238 578	26 832 127
Кайта бахолаш - бошлангич киммат	2 282 182	866 569	2 307	-	62 064	141	42 159	3 255 422
Кайта бахолаш - эскириш	512 638	501 264	2 161	-	59 500	24	24 970	1 100 557
Харид килиш	15 446	487 957	-	23 777	55 381	-	187 781	770 342
Сокит килиш	1 521	210	-	-	69 319	-	7 583	78 633
Хисобланган эскириш	1 717 549	1 370 914	1 403	13 764	10149	173	88 803	3 202 755
Эскиришни чикариш	1 521	168	-	-	69 319	-	5 095	76 103
Бошлангич киммати 01.01.2018 й.	31 372 559	9 831 873	75 867	148 663	841 870	1 727	765 720	43 038 280
Жамгарилган эскириш 01.01.2018 й.	8 408 679	6 708 810	74 323	106 942	773 552	461	413 463	16 486 230
Колдик киммати 01.01.2018 й.	22 950 498	3 123 063	1 544	41 721	68 318	1 267	352 257	26 538 669

Асосий воситаларга БХМА №5 талабларига мувофик хисоб карточкалари “1С-Бухгалтерия” дастурида юритилади. Белгиланган муддатларда йиллик кайта бахолаш ва инвентаризация амалга оширилади.

II.4. Молиявий инвестициялар аудити

Молиявий инвестициялар бухгалтерия хисобини юритишда, 1998 йил 23 декабря Уз.Р. МВ томонидан 65-сон бўйруги билан тасдикланган ва 1999 йил 16 январда Уз.Р. АВ томонидан 596-сон билан руйхатга олинган (БХМС 12-сон) «Молиявий инвестицияларни хисобга олиш» миллий стандарти асосий норматив хужжатdir.

Жамият балансида 31.12.2017 йил холатига 0600 счетида жами 767 411,0 минг сум инвестициялар мавжуд булиб. 0610 (кимматли когозлар) счетида 48 973,5 минг сум ва 0620 (бошка жамиятларга инвестициялар) счетида 718 437,5 минг сумни ташкил этади.

Жамиятнинг 0610 (кимматли когозлар) счети буйича 31.12.2017 йил холатига инвестиция таркиби куйидагича:

МИНГ СУМ.

“MAN GROUP AUDIT”

Аудитор

Сапиев И.А.

№	Ташкилот номи	Суммаси
1	“Фаргонаулгуржисавдо” МЧЖ	43 864.7
2	“Чуст ишлаб чикариш савдо” АЖ	4 995.8
3	АТБ “Агробанк”(Пахтабанк”)	11.0
4	АТБ “Саноат курилиш” (Афросиёб)	102.0
	Жами:	48 973.5

Жамиятнинг 0620 (бошка жамиятларга инвестициялар) счети буйича 31.12.2017 йил холатига таъсис улуши сифатида киритган инвестициялари таркиби куйидагicha:

№	Ташкилот номи	Суммаси минг сум.
1	“Мациони” фирмаси	660,0
2	“Фаргона омухта ем бирлашмаси” МЧЖ	15 000,0
3	Куштепа омухта ем бирлашмаси МЧЖ	15 882,5
4	Олтиарик омухта ем МЧЖ	15 865,8
5	Биолаборатория Усмонобод	107 191,2
6	«BODRO LUXE» ООО	43 770,0
7	Fargona Ozuqa Yem Taminoti МЧЖ	34 500,0
8	Yogmoy Fargona Eksport шуъба корхонаси	470 000,0
	Жами:	702 869,5

Жамият томонидан киритилган молиявий инвестициялар буйича 2016 йил якуни буйича куйидаги ташкилотлардан дивидендлар эълон килинганлиги тугрисидаги йигилиш баёнлари олинган ва бухгалтерия томонидан тегишли бухгалтерия утказмалари берилган:

№	Ташкилот номи	Олинадиган дивиденд (сум)
1	Yogmoy Fargona Eksport шуъба корхонаси	1 284 039,00
2	Fargona Ozuqa Yem Taminoti МЧЖ	147 750 000,00
	Жами	148 284 039,00

“Фаргонаулгуржисавдо” МЧЖ 2017 йилда 15 935 243,00 сум дивиденд утказилмокда. Лекин жамият томонидан 2016 йил якуни буйича дивидендлар эълон килинганлиги тугрисида йигилиш баёни йук. “Водил омихта ем” МЧЖ бирлашмасига киритилган улуш жисмоний шахс Машарипов Толибжонга 27 640 000,0 сумга сотилган. Олди-сотди шартномалари ва далолатнома хужжатлари мавжуд.

Куйидаги ташкилотлардан бундай маълумотлар олинмаган ва хеч канака пул утказилмаган:

№	Ташкилот номи	Изоҳ
1	“Чуст ишлаб чикариш савдо” АЖ	Давлат реестридан чикарилган 02.11.2016 й. 327-карори
2	АТБ “Агробанк”(Пахтабанк”)	Дивиденд эълон килингандиги тугрисида маълумот йук
3	АТБ “Саноат курилиш”	
4	“Мациони” фирмаси	Дивиденд эълон килингандиги тугрисида маълумот йук
5	“Фаргона омухта ем бирлашмаси” МЧЖ	
6	Куштепа омухта ем бирлашмаси МЧЖ	Давлат реестридан чикарилган 20.03.2005 й. 433-реестр
7	Олтиарик омухта ем МЧЖ	Давлат реестридан чикарилган 2016 й. ПК 630- карор
8	Биолаборатория Усмонобод	Инвестиция тугрисида маълумот йук
9	«BODRO LUXE» ООО	Инвестиция тугрисида маълумот йук

Аудит текшируви даврида хеч кандай қушимча маълумот такдим килинмади.

Жамият раҳбариятига АТБ “Саноат курилиш” (Афросиёб), “Мациони” фирмаси, “BODRO LUXE” ООО ташкилотлар буйича инвестициялар тугрисида етарли маълумот олиш, агар ушбу инвестиция киритилган ташкилотлардаги инвестициялар даргумон булган тақдирда, мазкур масалани жамият умумий йигилишида куриб чикиш ва жамият заарига олиш тавсия килинади.

II.5. Капитал куйилмалар аудити

Жамият балансида 01.01.2017 йил холатига 0800 Капитал куйилмаларни хисобга олиш счетларида жами 974 500,4 минг сум капитал куйилмалар колдиги мавжуд.

2017 йилда 0810 “Тугалланмаган курилиш” счети буйича жами 774 270,1 минг сумлик капитал куйилмалар амалга оширилган ва 19 101,6 минг сумлик куриб битказилган бинолар кирим килинган. 01.01.2018 йил холатига 0810 счетдаги колдик 1 729 636,4 минг сумни ташкил ўтади.

0820 “Асосий воситаларни харид килиш” счети буйича жами 1 279 814,8 минг сумлик капитал куйилмалар амалга оширилган ва 999 331,6 минг сумлик асосий воситалар кирим килинган. 01.01.2018 йил холатига 0820 счетдаги колдик 280 515,6 минг сумни ташкил этади.

II.6. Товар-моддий захиралар аудити

Товар-моддий захираларни хисобга олиш тартиби 2006 йил 15 июндаги Уз.Р. МВнинг 52-сонли буйруги билан тасдиқланган ва 2006 йил 17 июля Уз.Р. АВ

томонидан 1595-сон билан руйхатга олинган (БХМС 4-сон) «Товар-моддий захиралар» стандарти талабларига асосан тартибга солинади.

Жамиятда хисоб сиёсатида товар-моддий захираларни баҳолаш усуслари белгиланмаган.

Товар-моддий захиралар бирламчи хужжатлар хисоботи, молиявий хисоблар колдиклари ва «1С-Бухгалтерия» компьютер дастурининг маълумотлари билан мос келади.

Товар-моддий захиралар моддий-жавобгар шахсларга бириктирилган ва улар билан моддий-жавобгарлик түгрисида шартномалар тузилган.

Жамият балансининг 01.01.2017 йил холатига (1000) Хом-ашё ва материалларни хисобга олиш счетларида жами **4 637 436,0** минг сум колдик мавжуд.

Хисобот йилида жами **55 531 421,1** минг сумлик хом-ашё ва материаллар кирим килиниб, жами **53 367 131,1** минг сум микдорида хом-ашё ва материаллар чиким килинган.

Моддий жавобгар шахслар томонидан ойлик материал хисоботлар уз вактида тузилади ва бухгалтерияга тақдим килинган.

(БХМС 4-сон) «Товар-моддий захиралар» стандартининг 76 пунктида белгиланган, товар-моддий захираларнинг ҳакикатда мавжудлигини аниглаш, уларнинг сотиш соғ кийматини тасдиклаш ва уларнинг бут сакланишини назорат килиш мəксадида ташкилотлар томонидан вакти-вакти билан, лекин йилда камида бир маротаба товар-моддий захираларни инвентарлаш ўтказилади.

Қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия хисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом талаблари.

З-§. Давал хом ашёси билан боғлиқ операцияларнинг қайта ишловчida бухгалтерия хисоби

12. Махсулотларни ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) хам ўзининг хом ашёсидан, ҳамда давал хом ашёсидан амалга оширилса, давал хом ашёси билан боғлиқ операцияларнинг алоҳида ҳисобини юритиш лозим. Қайта ишловчи давал хом ашёсининг аналитик ҳисобини ҳар бир буюртмачи бўйича алоҳида юритади.

13. Олинган давал хом ашёси балансдан ташқари 003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» счётида давал хом ашёсини қайта ишлаш шартномасида кўзда тутилган нархи бўйича хисобга олинади.

14. Давал хом ашёси харакатининг назоратини таъминлаш мəксадида «Давал хом ашёсини хисобга олиш ведомости»ни юритиш лозим. Давал хом ашёсини хисобга олиш ведомости қайта ишловчининг раҳбари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатланган шахслар томонидан имзоланади. Мазкур ведомостда давал хом ашёсининг микдор ва суммавий кўрсаткичларининг камайиши тўғрисидаги маълумот, унинг турлари бўйича тегишли категорида «минус» билан кўрсатилади.

15. Давал хом ашёсини қайта ишлаш бўйича бажарилган ишлар киймати, технология ва ишлаб чиқаришни гашкил этиш билан асосланган давал хом ашёсини қайта ишлаш билан бевосита боғлиқ харажатларни ўз ичига олган ҳолда уларнинг ишлаб чиқариш таннархи бўйича тан олинади.

16. Давал хом ашёсини қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларнинг ишлаб чиқариш таннархига кирувчи харажатлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли карори билан тасдикланган «Махсулот

(ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ аникланади.

17. Қайта ишловчи томонидан амалга оширилган давал ҳом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотни буюртмачигача етказиб бериш харажатлари давал ҳом ашёсини қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларнинг ишлаб чиқариш таннархига кўшилмайди, балки давр харажатларига олиб борилади.

18. Давал ҳом ашёсини қайта ишлаш бўйича ишларни бажариш харажатлари бухгалтерия ҳисобида куйидагича юритилади:

а) давал ҳом ашёсини қайта ишлаш бўйича ишларни бажариш асосий фаолият тури ҳисобланадиган ташкилотларда - асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счёtlарда (2000);

б) давал ҳом ашёсини қайта ишлаш бўйича ишларни бажариш ёрдамчи фаолият тури ҳисобланадиган ташкилотларда - ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счёtlарда (2300);

в) давал ҳом ашёсини қайта ишлаш бўйича ишларни бажариш хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан амалга ошириладиган ташкилотларда - хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счёtlарда (2700).

19. Агар давал ҳом ашёсини қайта ишлаш бўйича тузилган шартноманинг шартларига мувофиқ қайтариладиган чиқиндилар қайта ишловчида қолдирилса, унда улар кўлгусида фойдаланиш ва/ёки сотиш мумкин бўлган қиймати бўйича 1090 «Бошка материаллар» счёtinинг дебетида асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счёtlар (9300) билан корреспонденцияланган ҳолда кирим қилинади.

20. Давал ҳом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулот буюртмачига қайтариб берилганда, давал ҳом ашёсини қайта ишлаш бўйича ишларнинг ҳақиқатда бажарилганлигини тасдиқловчи ҳисобварак-фактура, ҳамда «Давал ҳом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотни қабул килиш-топшириш далолатномаси» ва «Давал ҳом ашёсининг ишлатилиши тўғрисида ҳисбот» ёзib берилади.

21. «Давал ҳом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотни қабул килиш-топшириш далолатномаси» икки нусхада тузилади, буюртмачи ва қайта ишловчининг вакиллари томонидан имзоланади ҳамда иккала томоннинг муҳрлари билан (муҳрлар мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади. Биринчи нусха буюртмачига берилади. иккинчиси эса қайта ишловчида қолади.

22. «Давал ҳом ашёсининг ишлатилиши тўғрисида ҳисбот» ҳам икки нусхада тузилади, қайта ишловчининг ваколатли шахси томонидан имзоланади. Биринчи нусха буюртмачига берилади, иккинчиси эса қайта ишловчида қолади.

23. Ҳисобварак-фактуранинг шакли ва уни расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитасининг 2013 йил 4 марта 23, 2013-8-сон «Солик ҳисботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат раками 2439, 2013 йил 22 март) билан тасдиқланган.

24. Давал ҳом ашёсини қайта ишлаш билан боғлиқ операциялар қайта ишловчининг бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

а) тузилган шартномага мувофиқ давал ҳом ашёсини олганда:

дебет 003 «Қайта ишловга қабул килинган материаллар» счёti - буюртмачидан олинган қиймати бўйича материаллар суммасига;

б) давал ҳом ашёсини қайта ишлаш шартномасида кўзда тутилган микдордаги бўнак тўловлари келиб тушганда:

- дебет пул маблағларини хисобга олувчи счёtlар;
 кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счёти;
 в) давал хом ашёсини қайта ишлаш харажатларини акс эттириш:
 дебет асосий ишлаб чиқаришни хисобга олувчи счёtlар (2000), ёки ёрдамчи ишлаб чиқаришни хисобга олувчи счёtlар (2300), ёки хизмат кўрсатувчи хўжаликларни хисобга олувчи счёtlар (2700);
 кредит асосий воситаларнинг эскиришини хисобга олувчи счёtlар (0200), номоддий активлар амортизациясини хисобга олувчи счёtlар (0500), материалларни хисобга олувчи счёtlар (1000), 2510 «Умушилабчиқариш харажатлари» счёти, 6710 «Мехнат ҳаки бўйича ходим билан хисоб-китоблар» счёти, 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти ва бошқа тегишли счёtlар;
 г) тузилган шартномага мувофиқ, олинган давал хом ашёси қийматини қайta ишлагандан кейин ва буюртмачига қайta ишланган маҳсулот қайтарилгандан сўнг хисобдан чиқарилиши:
 кредит 003 «Қайta ишловга қабул килинган материаллар» счёти;
 д) давал хом ашёсини қайta ишлаш бўйича бажарилган ишлардан даромаднинг хисобланиши:
 дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар» счёти;
 кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти;
